Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЗУЛ-ҚАЪДА, 19-КУН. ● ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, САВР, 31-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган 1992 ЙИЛ 21 МАЙ, ПАЙШАНБА, 97-СОН • 348 • НАРХИ: СОТУВДА 1 СЎМ 50 ТИЙИН.

ОФАТ ҲАМ ЧЕКИНГАЙ, БИРДАМЛИК БЎЛСА!

ШУ ойнинг бошида бўлиб ўтган кучли ёмғирлар, экин майдонлари ҳамда боғ-роғларни урган дўллар, сув тошқинлари умуман бу йил баҳордаги табиий офатлар республиканинг кўплаб халқ хўжалик тармоқларига, айниқса қишлоқ хўжалигига сезиларли зиён етказди. Жиззах, Самарқанд, Бухоро каби вилоятларда пахтазорларнинг деярли ярми қайтадан экилди. Умуман республика бўйича эса қайта экилган майдон 400 минг гектарни ташкил қилади. Бундан ташқари 45 минг гектардан зиёд сабзавот, полиз ва картошка экилган майдонлар, 30 минг гектардан ошиқ боғ ва токзорлар зарарланди. Ўнлаб кўприклар ва сув иншоотлари бузилиб вайрон бўлди, анча уй-жойлар, молхона ва паррандахоналар шикастланди.

Республика Президенти Ислом Каримов тезлик билан табиатнинг зарбасига учраган вилоятларда бўлиб, фаоллар ва раҳбарлар билан учрашди. Шаҳсан ўзи бу масалага катта эътибор берганлиги сабабли деярли ҳамма жойда қисқа муддатда керакли чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Жойжойларда каттадан кичик аҳволни тушунди: аввалгидек «Москвадан мадад келади» деб бўлмайди, ҳамма нарса энди ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ. Республика бюджети қандай қийин аҳволдалигини ҳаммамиз биламиз. Атиги бир йил аввал бюджет ҳаражат қисмининг тенг ярмини Иттифоқ бюджетидан олинар эди. Бу энди йўқ. Бундан ташқари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ҳам қўшимча ҳаражатлар пайдо бўлди. Шуни чуқур англаган ҳолда мустақиллик йўли осон йўл эмаслигини билган меҳнаткашларимиз «у бер, бу бер» демасдан, енгги шимариб, амалий ишларга астойдил киришдилар.

Рўзномамизнинг махсус мухбири яқинда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб меҳнаткашлар, Ўзбекистон халқ депутатлари, хўжаликлар, районлар ва вилоятларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашди, амалий ишларни жойларда кўрди. Қуйида унинг таассуротларини муштарийларга ҳавола қиламиз. Рўзномамиз ходимлари бошқа вилоятларда ҳам амалга оширилаётган ишларни ёритиб борадилар.

Ислом КАРИМОВ:
«СИЗНИ ЁЛҒИЗ ҚЎЙМАЙМИЗ!»

«Халқ сўзи» мухбирлари воқеа содир бўлган жойдан хабар қиладилар.

Андижон вилоятининг зилзила ва селдан зарар кўрган жойларида табиий офат қолдирган зарарни бартараф этиш учун тиклаш ишлари жадал олиб борилаяпти. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Мухторжон Олимов бошчилигидаги ҳокимлик штабида иш қизғин.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг вилоятга ташрифи бу ердагиларни янада руҳлантириб юборди. Президент жабрдийдалар билан дастлабки учрашувни зилзила марказига яқин жойда — Пахтаобод райони Маданият қўрғонининг Чорбоқ маҳалласида ўтказди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон жумҳурияти аҳолиси ёнма-ён яшашади. Уларни Нушкан каналигина ажратиб туради, холос. Келиб, чиқиши, эътиқоди бир бўлган бу икки халқ эл бошига кулфат тушганда янада жипслашдилар. Бир-бирларига қўмак қўлини чўздилар.

...Атрофга чодирлар тикланган. Дошқозонларда иссиқ овқатлар қайнаб турибди. Тиббиётчиларнинг оёғидан «ўт» чақнайди. Савдо ҳамда маиший хизмат ходимлари тиним билишмайди. Бир сўз билан айтганда, хизматнинг барча турлари кўнгилдагидек. Президент И. Каримов ҳамда зилзила оқибатларини бартараф қилиш комиссияси аъзолари табиий офатдан азият чеккан Эъзозхон опа Бектошева хонадонида бўлдилар. Рўйрост айтиш керак, 1960 йилда қурилган бинонинг гувалаклари кўчиб тушган, деворлари ёрилиб кетган, яшашга мутлақо яроқсиз.

— Саккиз нафар фарзандим бор, — деди опахон. — Турмуш ўртоғим вафот қилганига бир неча йил бўлди. Ўзгалардан кам жойимиз йўқ. Тинчлик бўлиб турса, турар жойимизни тиклаб оламиз. Лекин...

Хонадонга Наврўз жамғармаси ҳисобидан бир бош сигир ажратилди.

Қишлоқ марказига мингдан зиёд аҳоли тўпланди. Ислом Каримов йиғилганларнинг саволларига жавоб бера туриб, жабрдийдаларнинг кулфатда ёлғиз қолмасликлари, уларга Республика ҳукумати томонидан алоҳида маблағ ажратилиши, қишлоқда янги турар жой бинолари қад ростлаши ҳақида сўзлади. Бунинг учун ҳар бир кишидан ғайрат-шижоат талаб қилинади, деди ҳукумат раҳбари. Зеро, ғойибдан ҳеч нарса келмайди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кундаги оғир вазият ҳар бир андижонликдан ғайрат-шижоат кутмоқда. Оғир кунлар ўтиб кетади. Лекин меҳр-оқибат, ўзаро ишонч қалбларга муҳрланиб қолаверади. Куни кеча Президент иштирокидаги вилоят фаоллари кенгашида ҳам ана шу мазмундаги фикрлар қайд этилди. Корхона ва ташкилотлар раҳбарларига муайян вазифалар юклатилди.

Учрашувда Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, раис ўринбосари М. Қорабоев ҳамда турли вазирликлар раҳбарлари иштирок этдилар.

ДЎЛ, СЕЛ ВА ОДАМЛАР

МАЙ ойининг бошларида Сурхондарёда ёнғоқдек-ёнғоқдек дўл ёғди. Ерлик аҳоли билан суҳбатда ўнлаб кишилар умри бино бўлиб бунақа дўлни кўрмаганлигини айтишди. У токлар навдасини чирс-чирс узиб юборди, етилиб турган карамни ошпичоқ билан чопгандек қиймалади, бедазорни танк эзғилагандек пайхон қилди, ўн минглаб гектар майдондаги ғўзаларни ер билан яксон этди, парникларнинг ойналарини парчалади, дарахтда бор қушларни ўлдириб ерга тўкди, дарёлар сувини ошириб-тошириб ва оқибат қирғоқлар ўпирилиб қишлоқ хонадонларига ғулғула солди, нечтаси зарарланди. Бироқ шукрки, қурбонлар бўлмади. Бирнеча ўн миллион сўм билан ўлчанадиган моддий зарарлар, маънавий азиятлар ўрни битиб кетади, энг муҳими-қурбонлар йўқ.

Одамлар... Улар — ўзбек меҳнаткаши, Бободеҳқон, ҳазрати Инсон ҳар қачонгидек, бу табиий офат қаршисида ҳам гангиб қолгани йўқ. «Ҳа, бу ҳам пешонада бор экан-да, жон омон бўлса, юртимизда тинчлик бўлса, ҳаммасининг ўрни битиб кетади» деб, кўнгилни заррача чўктирмай, кайфиятни ўкситмай, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилишмоқда. Ана шу соғлом кайфият, мустаҳкам имон-эътиқоду устивор ишонч ҳосиласи ўлароқ бирнеча ўн минглаб гектар қайта экилган майдонларда бир ҳафтадаёқ ғўзалар қўшқулоқ униб чиқибди.

Ҳа, одамлар ишлашяпти. Митингбозлик, сўзвозлик билан шуғулланишмаяпти. Бугун республикамизда дастурхонимиздан нонинг аримагани, айрим жойлардаги очлик кўланкаси таҳдиди элимизни четлаб ўтгани худди ана шу меҳнаткаш халқнинг олтин меҳнати натижаси.

— Бу йил айрим районларда ғалла экишни икки-уч бараварга оширдик, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокими Ҳаким Бердиев, — бугунги эккан ғалламиз вилоят халқини 8—9 ой боқишга етади.

Кечагина пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган ўлкада бу — катта кўрсаткич.

— Аслида, — давом этади Ҳаким Эшбоевич, — агар бўғдойни четдан сотиб олиб ташиб келтириш харажатларини ҳам қўшиб ҳисобласак, бир гектар ерда етиштирилган бўғдой шунча майдондан олинган пахтанинг нархига тенг келиб қолади. Шундай экан, пахтанинг ўрнига керакли миқдорда дон етиштириб қўяқолганимиз маъқул-ку! Асосийси — у кўз олдингда туради, кўзинг ҳам, кўнглинг ҳам тўқ!

Май ойи бошларида Сурхондарёда аввга минган сел, дўл қишлоқ хўжалигига, томорқаларга, турар-жойларга катта зарар етказди. Сурхон дарёси дарё бўлганидан буён бунчалик катта сувни кўрмаган дейишади. Ундан секундига 800 куб сув оқди. Ҳозир илгариги нормада — 100 куб сув оқмоқда. Дарё қирғоқларида жойлашган қишлоқлар кўп талафот кўрди: томорқалар сув ювиб кенгайган қирғоқлар бағрига сингиб кетди, айрим уйлар қулади. Одамларга заҳмат етмади. Қолгани — меҳнаткашу матонатли одамларнинг билак кучи, хўжалик ва суғурта томонидан ажратиладиган маблағлар билан тикланадиган нарсалар. Масалан, Қумқўрғон районидаги биргина Сафар Бойматов номли колхозда 850 хонадон суғурта идорасининг рўйхатига олинди, пул ёрдами берилади. Термиз районидаги Янгиариқ (собиқ «Октябрь 40 йиллиги») колхозида Сурхон қирғоғида ўрнатилган насосни қутурган сув трактори билан ўз комига тортиб кетди.

Вилоятда ишу тариқа жами 35 та сув насоси ишдан чиқди. Ҳолбуки, насос орқали суғориладиган жами 12 минг гектар майдон бор. Вилоят, районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, колхозчилар, ишчилар, деҳқонлар бундан тушкунликка тушиб қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Уларнинг тадбиркорлиги, фидокорона меҳнати туфайли бугун ҳамма жароҳатларнинг ўрни битиб кетмоқда.

— Ўзимиз билан битадиган ишлар-ку яхши кетяпти, — дейди Термиз райони ҳокими Жовбўри Абдулҳакимов, — айрим вазирликлар билан боғлиқ масалаларда қийинчилик туғиляпти. Бир тонна толани 200 минг сўм баҳосида Ивановодан ҳар бир килога 4 метр чит алмаштириб келдик. Ҳозир яна 1,5 минг тонна толамиз бор. Афғонистондаги «Гулоб» фирмаси бизга гилам цехи қуриб бериш учун ускуналарни ортиб қўйибди, биз жўнатишимиз керак бўлган пахтага қараб турибди. Биз эса уни жўнатишга лицензия олишимиз керак. Бунинг учун Тошкентга бориб бир ҳафта ётиш зарур... Президентимиз фармони билан пахта ҳосилининг сотишга рухсат этилган 5 фоизини 15 фоизга кўтарилгани яхши бўлди, лекин уни сотиш учун рухсат олишни такомиллаштириш лозим. Ўшанда ишимиз жуда тез олга силжиган бўлур эди. Ҳозир ҳам айрим идораларда сақланиб қолган тўрачилик, сансалорлик ишнинг белига тепяпти, чет эллик фирмачиларни биздан бездириб қўймоқда... Барча идоралар ва вазирликлар, жойлардаги давлат корхоналари қабул қилинаётган қонунларни, Президент фармонларини, Вазирлар маҳкамасининг қарорларини ўз ўрнида ва вақтида бажарганда эди, эҳтимол бундай саволлар туғилмасди. Шу боисдан янги тузилган давлат назорати қўмитасидан умид катта.

(Давоми 2-бетда).

Водийлаҳни ғалаб қозганда...

«МЕРСЕДЕС БЕНС» АВТОБУСЛАРИ

«ЗАРАФШОН» шаҳри аҳолисига «Мерседес Бенс« фирмаси автобуслари хизмат кўрсата бошлади.

КОНЧИЛАР Туркиянинг ана шу фирмаси билан доимий ҳамкорлик қилишга келишишди. Яқинда кон бошқаруви фирмадан тезюрар юмшоқ ўриндиқли 7 автобус сотиб олди. Илгари ишчилар конга бориш учун темир йўлдан фойдаланишарди ва бу хизмат учун 7 миллион сўм тўланарди. Бозор муносабатлари амал қила бошлагач, кончиларнинг хорижий шериклари кўпайди. Улар ўз валюталарига ҳам эга бўлишди. Тоғ-металлургия корхонаси яна 26 та ана шундай автобус харид қилмоқчи. Мутахассисларнинг айтишича, ишчилар конга автобусда келиб-кетишса, йўлга сарфланадиган вақт темир йўлдан фойдаланганга нисбатан икки баравар камаяркан.

НУТРИЯДАН ТЕЛПАК, ПЎСТИНЛАР

НУРОТА. Тайёрлов ширкат идораси корхонасида нутрия терисидан телпак, пўстинлар тикилмоқда.

БУНДАН беш-олти йил бурун ширкат ишбилармонлари нутрия фермаси ташкил этишганди. Парвариш яхши бўлгани учун ҳайвонлар тез кўпайди. Ҳозир бу ерда 1500 дан зиёд нутрия боқиляпти. Шу пайтгача нутрия териси арзон-гаровга давлатга топширилади. Яқинда ишбилармонлар махсус цех очишгач, ҳом ашё сотиш барҳам топди.

Х. ЮНУСОВА.

БУ ГАЛГИСИ... БОШҚАЧАРОҚ

ТОШКЕНТ. АҚШдан навбатдаги инсонпарварлик ёрдами келди.

БУ галги хайрия аввалгилари сингари озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлардан иборат эмас. Икки ой муқаддам Ўзбекистондан борган бир гуруҳ тиббиёт мутахассислари АҚШ шифохоналари, унда хизмат қилувчилар ҳаёти билан танишишганди. Ўшанда хорижий шифокорлар Ўзбекистонга қандай тиббий ускуналар зарурлигини сўрашганди.

Республикамиз вакиллари айниқса ўлкамиз ёзи иссиқлиги, технологик ашёлар тақчиллиги, болаларда юқумли касалликлар микроорганизмларга қарши курашда ишлатиладиган вакциналарни сақлашга шароит йўқлиги хусусида гапиргандилар. Океан ортидан юборилган бу галги хайрия ана шу совуқлик занжирини ташкил этувчи совуқхона, муз тайёрлайдиган дастгоҳ, кичик, кўтаришга қулай совуқхона-сумкачалар, асбобларни қиздириб тозалайдиган ускуналардир.

Г. ҚУЧҚОРОВА.

ҚУНАЕВ—ТОШКЕНТДА

Қозоқ халқининг севикли ўғлони, атоқли давлат ва фан арбоби Динмуҳаммад Аҳмет ўғли Қунаев яқинда Тошкентга ташриф буюрди. Икки давлат чегараси — Ғиштқўприкда мўътабар меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти девони миллий масалалар бўйи-ча секторининг мудири Ортиқбой Укибоев, пойтахтдаги Шайхонтаҳур райони ҳокими Адҳам Миржалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

У шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда қозоқ миллий марказида бўлди.

— Ҳозирги мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда, — деди Динмуҳаммад оға журналистлар билан учрашувда, насли-насаби, илдиз-ирмоғи бир ўзбек ва қозоқ халқлари ниҳоятда аҳил ва баҳамжиҳат иш кўришлари лозим. Элимизда «Бўлинганни бўри ер» деган доно нақл мавжуд. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, бору йўғимиздан бохабар турсак, келажагимиз, шубҳасиз, нурафшон бўлади.

Д. Қунаев Тошкент сафари якунида Шароф Рашидов фарзандлари хонадонига ташриф буюриб, елкадош ва сафдош дўсти, беназир биродари хотирасига дуои фотиҳа қилди.

А. ДАВЛЕТБОЕВ,
«Дўстлик туғи» рўзномаси мухбири.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

20 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов Ўзбекистондаги тўнғич «Тошкент» биржасига борди. Бош вазир бу ердаги брокерлик идоралари ҳамда олди-соғди ишларининг амалга оширилиши жараёнлари, МДҲ давлатларининг етакчи биржалари билан ахборот айирбошлашни • таъминлайдиган, биржалараро ҳамкорликда олди-сотди ишларини бажарадиган компьютерлар тармоғи иши билан танишди.

Сўнгра Бош вазир биржанинг раҳбар ва мутахассислари билан суҳбатлашди. Шу нарса аён бўлдики, бозор иқтисоди муносабатларига ўтишда талай муаммолар пайдо бўлмоқда. Рисоладаги бозорга йўл очиш, биржа ҳаракатини юксалтириш учун шарт-шароит яратилган бўлиши керак.

Суҳбатда хорижий сармояни республикага жалб этиш, халқаро суғурта компаниялари билан шартномалар тузиш, Европа ва жаҳон халқаро валюта жамғармалари билан алоқа боғлаш муаммолари тилга олинди.

Республика Бош вазири давлат корхоналарини хусусийлаштиришда ҳукуматнинг сиёсати аниқ-равшанлигини, уни тезлаштириш кераклигини айтди.

Бош вазир учрашувни якунлаб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг муқаррарлигини, бунда биржалар ишига кўмаклашиш, ишбилармонларга имкониятлар яратиш даркорлигини уқтирди.

(ЎзА).

● ДЕПУТАТ деганда ташаббускор, ташкилотчи кишилар кўз ўнгимизда гавдаланади. Бу бежиз эмас, албатта. Уларнинг ҳар бири қандайдир хайрли ишга бош қўшгани бор гап. Депутат раҳбар бўлганида эса зиммасидаги масъулият икки ҳисса ортади. Ҳамиджон Усмонов Бешариқ районидаги «Бешариқ» давлат хўжалигида гоҳ бўлим, гоҳ бригада бошлиғи сифатида ишлаб келаётганига ўттиз йилдан ошди. У қишлоқ кенгашига депутат бўлгач, янгича ташвишларга боғланди. Бахтига хўжалик раҳбари Ўзбекистон халқ депутати. У ҳам депутатлик бурчини юракдан ҳис этадиганлардан. Шунинг учун Х. Усмоновнинг таклифу талабларини амалга оширишга яқиндан ёрдам бераяпти.

СУРАТДА: [чапдан] Ҳ. Усмонов ва давлат хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати Турсунбой Баркашев.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Халқ сўзи» рўзномасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Ҳабиб Темир вилоят халқ депутатлари кенгашининг рўзномаси «Зарафшон» (собиқ «Ленин йўли»)га муҳаррир этиб тайинланди.

Биз ҳамкасбимиз, таниқли журналист ва ёзувчи Ҳабиб Темирга янги ишида муваффақиятлар тилаймиз. Умид қиламизки, муштарийларимиз бундан буён ҳам Ҳабибжоннинг мақолаларини «Халқ сўзи»да ўқиб боришади, яъни ҳамкорлигимиз давом этади.

• Бевосита мулоқот

ҚАНИ, САВОЛЛАР ТАЙЁРЛАНГ!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУГУНГИ ИҚТИСОДИ ҚАЙ АҲВОЛДА. БУ БОРАДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Бу ва шунга монанд ўнлаб саволлар ҳар биримизни қизиқтиради, албатта. Уларга жавоб олишни истасангиз 39-85-97 ва 39-84-76 (Тошкент) номерли телефонларга сим қоқинг. Саволларингизга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет снёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси Эркин ХУЖАЕВ ва бошқа мутасаддиларнинг ўртоқлар жавоб беришади.

Бир пайтлар Африкадаги фалон колония озодлик учун беомон кураш олиб бораяпти ёки мустақилликка чиқибди, деса гапнинг рости, унчалик эътибор бериб ўтирмас эдик. Ўша халқ ёки мамлакат ҳаётига доир ўзгаришлар ҳақида радио, телевизор, матбуот ходимлари ҳаяжонланиб, энтиқиб хабар берсалар парвойимизга келмаган дамларни эслаб, уялиб кетасан киши.

Не бахтки ўша кун, ўша туйғу бизнинг жафокаш халқимиз пешонасига ҳам насиб этиб, манглайимизга бахт қуши қўниб турибди. Истиқлолдан сармаст жумҳуриятимиз аҳолиси айни кунларда айрича безовта дамларни бошидан кечиряпти. Мана энди бизнинг юракларда ҳам мустақиллик муаммолари, давлат ва жумҳуриятимиз ҳаётига доир ҳар бир ўзгариш ва муваффақиятни ошиғич илғаб, билиб олишга, таҳлил қилишга, тезроқ элу-оламга овоза этишга иштиёқ ҳисси бениҳоя ошиб кетди.

Бу мутлақо табиий ҳолдир. Чунки жумҳуриятимизда иқтисодиёт ўзани бозор наҳри томон оқа боғлаши, сайловларнинг демократлашуви, маҳаллий ҳокимият

(Давоми 2-бетда).

• *Қўшнилар ҳаётидан*

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Бу хўжаликда бир шикоят сабабли бундан тўрт-беш йил муқаддам бўлгандим. Мактубда бригада аъзолари ўз бошлиқларининг ишдан ноҳақ бўшатилаётгани ҳақида ёзишганди. Равотда муаллифлар билан учрашганимда, биздаги (ўша пайтда ҳали СССРда яшардик) мавжуд қонунлар ҳар қандай қобилиятли, иқтидорли, истеъдодли одамни ҳам бир зарб билан четга суриб қўйиши мумкин, деган фикр яна бир хаёлимдан ўтганди. Ҳар гал «дунёдаги энг одил ва инсонпарвар қонунлар» оқибатига дуч келганимда ўтим янгиланаверар ва қачон биз бу лаънати исканжадан қутулар эканмиз, деб ўйланардим. Ўрни келганда, ҳозир мен эслаётган гаплар аллақайси бир турғунлик замонларида эмас, ҳамма буюк инқилоб бўлади, деб кўз тиккан қайта қуриш пайтида рўй берганлигини ҳам айтиб қўяй.

Ўша бригада жамоасида асосан ўн саккиз — йигирма ёшли йигит-қизлар ишлашар экан. Улар тасодифий воқеа туфайли айланиб қолган, мутахассис бўлмаган, хўжалик ҳамда туман раҳбарлари энди бошлиқлик вазифасида ишлаши мумкин эмас, деб топишган пайтда сардорларини ўз ўрнига тиклашни талаб қилишарди. Ўшанда ҳаммани ҳижолатпазликдан яна собиқ ишбошининг ўзи қутқарди. У ўрнига тайинланган ва ёшларнинг ҳаққоний сўзлари олдида нима дейишини билмай турган олий маълумотли агрономнинг аҳволини тушунди чоғи: «Майли, бўлар иш бўлди, лекин мен сизлардан узилиб узоққа кетмайман, қаторларингда ишлайвераман, зарур топишса маслаҳатимни аямайман», деди. Ўшанда мен хўжаликда режани уддалаб келаётган якка-ю-ягона бригада бошлиғининг мардлигига қанчалик қойил қолган бўлсам, айни бир пайтда бутун жамоа кетишини бетига айтиб турган янги бошлиқнинг аҳволига шунчалик ачиндим. Лекин буларнинг ҳаммаси бир тарафу ёшларнинг ақлу заковатига, дадиллигига, аҳиллиги, тўғри сўзликларига ва жонкуярликларига қойил қолдим. Кўнглимда пайдо бўлган гапни уларнинг ўзларига айтдим:

— Қанийди, сизлардек йигит-қизлар кўпайса, ўшанда бутун мамлакат озод бўларди!

Орадан йиллар ўтди. Яқинда «Равот» давлат хўжалигида бўлганимда беихтиёр ўша ўтган гапларни эсладим. Бутунлай ўтириб қолган, иқтисодий таназзулга юз тутган хўжаликнинг ҳозирги оғир шароитда тобора кучга тўлиб бораётганлигини, «чўнтак» борасида манман деган пахтакор хўжаликларни ҳам орқада қолдираётганлигини кўриб қолиплардан чиқиш ва ҳаётга янгича нигоҳ билан қараш меваси барибир ширин бўлиши ҳақида ўйладим.

«Равот» фақат Конибодом туманидагина эмас, балки Ленинобод вилоятидаги энг қолоқ хўжаликлардан саналарди. Узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликда сувсизлик туфайли нўҳоллар қуриб кетар, ҳосил пишмасданоқ нобуд бўларди. Ишчилар минг ўлиб-тирилиб меҳнат қилишмасин, бор-йўғи 25-30 сўмдан ойлик олишарди, холос. Аҳвол ёмон эди. Иложини топганлар бошқа иш излашарди, лекин ҳамма ҳам қишлоқдан чиқиб кета олмас эди. Масала пишиб етилиб, гап биринчи галда хўжалик раҳбарини янгилашга келиб қолди. Директорликка учта номзод кўрсатилди. Шу ўринда биз фақат учинчи номзод ҳақида гапира қолайлик. Конибодом тумани қишлоқ хўжалик ходимлари касаба уюшмасида Расул Долимов деган ўттиз тўрт ёшли йигит котиблик қиларди. Аслида касби агроном бўлиб, 1978 йили Тожикистон қишлоқ хўжалик институтини битиргани. У 1982 йилгача Душанбе тарафларда ишлаб юриб, кейин ўзи туғилган қишлоққа қайтди. Хўжаликда устахона мудири, касаба уюшмаси раиси каби ўз ихтисосидан узоқ бўлган вазифаларда ишлаб юрди. Уни кўпчилик тили ўткир, сўзи аччиқ йигит дерди. Қўл кўтариб туширишлар, зеркарли нутқлар ва ялписига маъқуллашлардан иборат мудроқ босган йиғинларда бирданига момоқалдироқ гулдираб қоларди: озғингина бир йигит мажлис аҳли гапларига бутунлай қарама-қарши фикрларни айтарди. Ҳали тўла ижарага ўтиш, ҳали хусусийлаштириш тўғрисида гапирарди... Равотликлар худди ана шу катталар унчалик ёқтирмайдиган йигитни раҳбарликка сайлашди. Чунки бу пайтга келиб ҳали мен ҳикоя қилган битта бригада аъзолари эмас, балки хўжаликнинг кўпчилик ишчилари ортиқ эскичасига яшаб бўлмаслигини тушуниб етишган ва бунинг учун биринчи навбатда ўзларининг дардини ҳис қиладиган раҳбар зарурлигини англашганди. Ва улар хато қилишмади! 1989 йилнинг сентябри шу тарика хўжалик ҳаётида туб бурилиш ясади.

Токнинг 37 фоизи, боғ майдонининг 25 фоизи сувсизликдан қуриб ётган бир пайтда янги раҳбар қатъий қарорга келди: иш тўла ижара асосига ўтилди ва ер ишчиларга 20 йил муддатга хатлаб берилди. Ёш раҳбар қарорга келишга келдику-я, лекин ички ва ташқи қаршиликларни енгиб ўтиш зарур эди. Ўша пайтда ерни узоқ муддатга ижарага бериш ҳақида жумҳурият қонуни йўқ эди. Ташқи қаршилик худди шу жиҳатдан келиб чиқди. «Ҳой, йигит, Қонунни бузаяпсизку», қабилидаги гаплар биринчи тўғаноқ бўлди. Ички қаршилик эса бевосита хўжаликнинг ўзидан: ўрта бўғин раҳбарлари томонидан келиб чиқди. Бригада усулида ишлашга улар йиллар давомида ўрганиб қолишганди. Чунки бунда одамлар мудом раҳбарнинг қўл остида бўлади, уларни истаган вақтида тўплай олади, истаган топшириғини бериши мумкин. Истаса, бригада токзорида ишлатади, истаса хўжалик раҳбарларидан бирининг томорқасига юборади. Устига янги директор раҳбарнинг ўттиз фоизини қисқартирмоқчи. Бунга кўниш қийин эди. Лекин чўнтаги қоқланиб, қозони сувга ташланган ишчиларнинг янгича қарашлари ва ўзлари сайлаган раҳбарни қўллаб-қувватлашлари туфайли барча қаршиликлар енгиб ўтилди. Ижарачилар ва хўжалик бошқаруви орасида узоқ йиллик шартнома тузилди. 5 йиллик муддат олиниб, ўртача ҳосил миқдори белгиланди. Хўжаликка ана шу ҳосилни берса бўлди, қолганини хоҳласа, бозорга, хоҳласа, хўжаликка сотиши мумкин эди. Ҳатто ҳосилни режани бажаргунча ҳам сотиши мумкинлиги айтилди. Лекин пулга қизиқиб кетиб, режани ўйламай қўйса, унда етказган зарарини уч баравар тўлаши ҳам таъкидлаб қўйилди.

Ерга ҳақиқий эгалик ҳисси туғилиши, оилани тебратиш имкони пайдо бўлиши боис ишга муносабат ўзгарди. Бир тарафдан хўжалик раҳбарлари суғоришни яхшилаш имкониятларини қидиришган бўлса, иккинчи тарафдан ижарачиларнинг ўзлари ток ва дарахтлар қуриб қолмаслиги учун идишларда сув ташиб келишди. Натижа ёмон бўлмади. Хўжалик 1989 йили 400 минг сўмга яқин соф даромад қилган бўлса, кейинги йили бу рақам 514 минг сўмга кўтарилганди. 1991 йили эса 1,5 миллион сўмлик фойда хўжалик хазинасига келиб тушди. Ижарачи ишчиларнинг топиш-тутиши ҳам кўпайди. Ҳар бир оила йилига ўртача 20—30 минг сўмдан даромад қилди.

Одамларнинг тирикчилиги билан бирга, хўжаликнинг иқтисодий аҳволи ҳам яхшиланиб борди... Бу ўз навбатида ижтимоий масалаларга эътиборни кучайтириш имконини берди. Янги амбулатория қурилди ва унга «тез ёрдам» машинаси олиб берилди. Йўллар мумланди, ичимлик суви қувурлари ётқизилди, 1984 йилда тўхтаб қолган 694 ўринли мактаб қурилиши давом эттирилмоқда, газлаштириш бўйича ишлар олиб бориляпти, эски масжид таъмирланди, ёзги кинотеатр, иккита нонвойхона қурилди...

Сўмнинг қадрсизланаётганини кўрган ёш раҳбар сиздан угина-биздан бугина алоқаларини кучайтирди. Четга 1 миллион сўмлик маҳсулот юборилиб шунга яраша зарур ашёлар, техника олиб келинди. 2 йил орасида 2 минг куб метр ёғоч-тахта олинди ва қишлоқ аҳлига арзон нархда сотилди. Шу тарика 7 миллион сўмлик қувур, темир, бошқа хил металлар, ойна, қурилиш материаллари, мосламалар, тракторлар, экскаваторлар харид қилинди.

Хўжаликда беш кишидан иборат махсус тижорат бўлими амал қилмоқда. У бир ярим ой ичида 120 минг сўм соф даромад келтирди.

Бир пайтлар турли-туман йиғинларда ҳам, матбуотда ҳам танқид нишонига айланган хўжалик қаловини топиб бақувват жамоага айланди. Мазкур йил учун 59 миллион сўмлик маҳсулот сотишга битим тузилди.

— Халқимиз орасида ишнинг кўзини билганлар ҳамиша кўп бўлган, — дейди Расулжон. Фақат ўтган тузумдаги ғалати танлаб олишлар, чеклашлар, таниш-билишликлар қанча-қанча истеъдодли, кишиларни четга суриб қўйди. Мана, биз янгича йўлга тушганимиздан кейин чет-четда ишлаб юрган ўнга яқин мутахассис қишлоғимизга қайтиб келиб, энг муҳим ишларга бош-қош бўлишмоқда. Ҳали сиз айтган бригадир — Абдуманнон ака Нишонов ҳам ишига тикланди, кейин янада масъулиятлироқ вазифаларга кўтарилди. Қишлоқнинг ўзидан ўнлаб ишбилармонлар топилди. Эртанги кунимиз қандай бўлиши ана шуларга боғлиқ.

Мен эса уларнинг эртаси порлоқ эканлигига ишондим. Зотан, яхшилар бор жойда яхшилик уруғи кўпаяди.

Уринбой УСМОН,
«Халқ сўзи»нинг Хўжанддаги мухбири.

ОЛИЙ КЕНГАШ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий ҳизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш комитетида 19 май куни Ўзбекистон Республикаси байналмилалчи жангчилар ва захирадаги жангчилар уюшмаси республика ва вилоят ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашув бўлди.

Уюшма барча бўғинларининг байналмилалчи жангчиларни, ногиронларни, ҳалок бўлган жангчилар, ҳарбий асирлар ва бедарак йўқолганларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идоралари билан алоқаларини мустаҳкамлаш йўллари муҳокама қилинди.

Армияда хизматни ўтаб бўлган заҳирадаги жангчиларни ишга жойлаштириш, ёшларни Ўзбекистон Республикасига содиқлик руҳида ватанпарвар этиб тарбиялаш, уй-жойлар ва бошқа давлат мол-мулкини хусусийлаштириш чоғида ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг, ногиронларнинг ва захирадаги жангчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш, байналмилалчи жангчиларнинг хўжалик ҳисобидаги ташкилотларига нисбатан солиқ сиёсати тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Армияга чақиришга, байналмилалчи жангчиларни ташвишлантираётган бошқа муаммоларга бағишлаб умумреспублика тадбирлари ўтказиш тўғрисида гап борди.

Комитет ҳузурида тузилган ишчи гуруҳга кўриб чиқилган масалалар моҳиятини ўрганиб, шу масалалар юзасидан аниқ таклифлар киритиш топширилди.

(ЎзА).

ҚАНИ, САВОЛЛАР ТАЙЁРЛАНГ!

(Боши 1-бетда).

органларида ҳокимликнинг жорий этилиши, бошқарув тизимининг такомиллаштиришга интилишлар айнан шуларни тақазо этмоқда.

«Халқ сўзи» таҳририяти шу мавзуларда келаётган кўплаб хат-хабарлар, қўнғироқларни эътиборга олиб, республика Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзиниўзи бошқариш комитети билан муштарийлар ўртасида телефон орқали мулоқот уюштиришга қарор қилди. Комитет аъзолари, унинг раиси Эркин Хўжаев ҳам бу таклифни мамнуният билан маъқуллаб, мулоқотга бажонидил розилик билдиришди.

Ёдингизда бўлса, мулк ҳақидаги, тадбиркорлик, солиқлар тўғрисидаги, аҳолини иш билан таъминлаш, ижара, республиканинг ташқи иқтисодиёти, мулкни хусусийлаштириш ҳақидаги бугунги кун учун ўта муҳим бўлган қонунлар шу комитет томонидан ишлаб чиқилган ва Олий Кенгаш сессияларида қабул қилинган эди. Ҳозир комитет аъзолари хўжалик ширкатлари, акцияли ва масъулияти чекланган жамиятлар, хўжалик субъектларининг синиши, монополистик фаолиятни чеклаш, валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар устида қизғин иш олиб бораяптилар.

Азиз муштарийлар! Сиз душанба куни — яъни 25-майда соат 13 дан 17 га қадар 39-85-97, 39-84-76 номерли телефонлар орқали қўнғироқ қилиб, янги иқтисодий сиёсат, республика бюджети, вилоят ва районларда ҳокимликнинг жорий этилиши, маҳаллий ҳокимият органлари тизимидаги ўзгаришлар, бундай шароитда депутатларнинг роли ва нуфузи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, бозор иқтисоди муносабати билан қабул қилинган қарор ва қонунларнинг ижроси, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ўзингизни қизиқтирган ўйлантириб юрган саволларингизга батафсил ва малакали жавоблар олиш, фикр-мулоҳаза, таклифларингиз бўлса бемалол айтиш имкониятига эга бўласиз.

Мулоқот пайтида ўзингизни таништириб (исми шарифингиз, иш жойингиз, касбикорингиз), фикрларингизни шошилмай қисқа ва лўнда ифода этишингизни илтимос қиламиз.

Мулоқотингиз мазмунли ва фойдали бўлишини тилаймиз.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ БЎЛИМИ.

ЭҲТИЁЖГА ЕТМАЙДИ

ҚАНДАЙ кунларга қолдик! Ҳамма нарса ўлчовли, турмушни талон-у рўйхатлар бошқараяпти. Бир кишига ойда ярим кило пахта мойи берилади. Бу норма миллий турмуш тарзи ҳисобга олинмай белгиланган. Ҳар бир уй бекасига маълум—рўзғорда қозон қайнамаган, бирор нарса пиширилмаган кун бўлмайди. Гоҳ меҳмон келади, гоҳ меҳмонга бориш керак. Бериладиган мой эса эҳтиёжнинг ярим ёртисини ҳам қоплamайди. Шундай бўлгач, устига тўлаб чайқовдан олишга мажбур бўласиз. Ривоят қилишларича, шайтондан сўрашибди: «Тупроқ ейсанми?» «Агар мойи бўлса, ейман» дебди шайтон. Наҳотки тирикчилик ўтказишнинг шундай оддий талабларини меъёрида қилиб қўйиш мумкин эмас?!

Н. ОЧИЛОВА,
Тошкент шаҳри.

• *Бугуннинг гапи*

ИНСОФНИ СОТИБ ЮБОРМАНГ

КЕЙИНГИ сафар Тошкентдан таъбим хира бўлиб қайтдим. Бунинг сабаблари кўп, шулардан бири ҳақида тўхталмоқчиман.

Эски шаҳарни айланиб, тушлик қилиш учун «Гулистон» кафесига кирдим. Талабалик йилларим бу ернинг қовурма лағмонига жуда ўч эдим, лимон бурдалари ва зираворлар билан иштаҳани қитиқлаб турадиган овқатнинг яна бир бор хумори тутди. Илинж билан ичкарига йўл олдим, зал бўм-бўш, фаррош хотинлар пашша қўриб ўтирибди. Буни тушуниш мумкин: қимматчилик. Таомномага кўз югуртирдим. Битта манти — 4 сўм, қовурма лағмон — 18 сўм 70 тийин. Нима бало, товуқнинг сути қўшилганми? 30 тийин қайтим беришмагани-ю, бир сўмга икки бурда буханка нон олганимни айтмай қўя қолай, идишдаги овқатнинг миқдори олдингидан фарқ қилмас, аксинча, кўриниши паст, қўшимча аччиқ-чучуклар ҳам йўқ. Танаввул қилишни бошлаб, баттар таъбим бузилди: совиб қолган, хамирини тишда аранг эзасиз, кўкати қуриган хашакдек...

Ичимдан аламим тошди — нархи 20 баробар ошсаю, сифати баттар бузилса? Ошпазга (унинг исми-шарифини Рихсивой Юсупов дейишди, чамамда) яқинлашиб, эзтирозимни билдирдим. Кап-катта одам, миқ этмай тинглади-ю, турқи ҳам бузилмади. Бригадирни чақирдим, унинг ҳам узр-маъзурга тили бормади. «Шикоят дафтари»ни сўрадим, сира иккиланмай келтириб беришди. Бош ошпаз — Иззатулла Абдурасуловни топиб, ҳаратимни тўкиб солдим.

Албатта, бу воқеа арзимаган нарсадек туюлиши мумкин, бироқ умумий овқатланиш корхоналарининг кўпида аҳвол шунақа. Нарх ошган, сифат бузилган. Халқни икки томонлама талашдан ким уялади? Ҳамма нарса ҳам инсол биланда!

Ҳ. МУҲАММАДИЕВ,
Қашқадарё вилояти.



Самарқанддаги Мирзахўжа Ўринхўжаев номли трикотаж фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотлар харидоргир бўлиб қолди. Сабаби — корхона тўлиқ таъмирланди, эски дастгоҳлар ўрнига Италиядан келтирилган «АРИЗО» маркали тўқув машиналари ўрнатилди. Ҳозир улардан бирини Дилшода Раҳмонова моҳирона бошқармоқда. Унинг қўлидан чиққан бежирим кийим-кечаклар эса фақат «аъло» баҳога қабул қилинаяпти.

СУРАТДА: илғор тўқувчи Дилшода Раҳмонова.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ЖУРНАЛИСТЛАР ИЎЛКИРА ТЎЛАШМАЙДИ

ЖАЛОЛОБОД вилояти ҳокими Бекмамат Ўсмўнов имзо чеккан қарорга мувофиқ журналистлар вилоят ҳудудида қатновчи транспорт воситаларининг барча турларида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлишди.

Р. КАРИМОВ.

ТАДБИРКОРЛИК — ТЎҚЛИК ДЕМАК

ИШБИЛАРМОНЛИК ва хусусий мулкчиликка кенг йўл очилган жойда бозор иқтисодиёти муаммолари жўн ечим топишини Шовот райони омилкорлари исботлашмоқда. Ҳозир райондаги хўжаликлар сони 100 га етди. Моллар ва паррандаларни ўзгалардан сотиб олмай, табиий кўпайтиришга эришаётган бундай хўжаликлар ялпи чорвачилик маҳсулотларининг 30 фоизини етказиб бермоқда.

«Москва» жамоа хўжалигида икки йил мобайнида 10 дан зиёд фермер хўжалигига ер майдонлари ва маблағ ажратиб берилди. Эътиборли жиҳати шуки, кўпгина фермерлар унумдор далаларни эмас, балки ташландиқ ва ўзлаштирилмаган майдонларни сўраб олишаяпти. Боиси — ҳосилдор ерлар нархи баланд.

Фермерлик ҳаракати ташаббускорларидан бири Рўзимбой Отаниёзов икки йил муқаддам кўл ва ботқоқликдан иборат 5 гектар ерда хусусий деҳқончилик ва чорвачилик хўжалигини вужудга келтирди, Дастлаб кўлни чуқурлатиб, балиқ чавақларини қўйиб юборишди. Қолган 3 гектардан мўлроқ майдон эса қуриб, унумдор далага айланди. Фермер қарамоғидаги қорамоллар қисқа фурсат ичида 30 бошга етди. Қуёнчилик йўлга қўйилди. Ўтган бир ярим йилда қариб 10 тонна гўшт етказиб берди. Яқин ойлар ичида балиқ овлаш ҳам бошлаб юборилади.

Фермер хўжалигидаги ишлар билан оиланинг 7 аъзоси банд. Ўтган йили фақатгина гўштнинг ўзидан 50 минг сўм даромад олинди. Ҳомаки ҳисобларга қараганда, бу йилги даромад 350 минг сўмдан кам бўлмайди.

Бозор Қаландаровнинг фермер хўжалигидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Унинг оиласи ўтган йили атиги 2 гектар яйлов ҳисобига 4,5 тонна гўшт етказиб берди. Айни кунда яна 20 бош қорамол бўрдоқига боқиляпти.

Ишбилармонлар ҳаётидаги бу ижобий жиҳатлар тадбиркорлик, хусусийлаштириш ва давлат мулкини тасарруф этиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари сўзда эмас, амалда рўёбга чиқарилиши зарурлигини тақазо этяпти.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЎЛ, СЕЛ ВА ОДАМЛАР

(Боши биринчи бетда).

Жарқўрғон райони ҳокими Жўра Норалиев билан мулоқотимиз саволжавобдан бошланди:

— Ижарага ер беряпсизларми?

— Ҳа.

— Неча йилга?

— Ҳозирча беш йилга.

Бу албатта кам. Бериси ўн йил бўлса, деҳқон ернинг шарбатини сўриб олишга шошилмайди, болачақам ҳам фойдаланади-ку деб аввалаб муносабатда бўлади. Бугунги раҳбарнинг вазифасини уч қисмга бўлиш мумкин. Биричиси — иқтисодий ричагларни ишга солиш. Бурғуқ билан эмас, тушунтириш билан. Иккинчи — одамларда истеъмолчилик кайфиятини йўқотиш. Учинчи — касаначликни кенг ривожлантириш, майда корхоналар қуриш. Бизда қишлоқ хўжалигида аҳоли нинг 50 фоизи шуғулланади. Бу қолоқлик белгиси. Шуни жуда бўлмаганда ярмига қисқартириш керак. Ривожланган мамлакатларда атиги 5 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалигида банд.

— Минг гектар ерни дўл урди, анчасини сел ювди, жами 5 минг гектар майдонга чигит қайта экилди, — дейди Қумқўрғон район ҳокими Жўра Менглибоев. — Бу йил 4 минг гектарга ғалла экдик. Аввалгидан 4 баравар кўп. Ёғингарчилик лекин ғалланинг жонини киритди. Аҳолида юз минг, хўжаликда юз минг майда мол, йигирма мингдан қорамол бор.

— Пахта яккаҳокимлигига чек қўйишга рухсат этилди. Бозорларда мева-чеванинг нархи бошқа республикалардагига нисбатан анча паст бўлишига қарамай, бизнинг минтақа учун барибир қиммат кўринади. Боғ яратишга эътибор қандай?

— Икки йилда 2,5 минг гектардан ортиқ янги боғ яратдик. Бу — вилоятдагининг ярми. Узум, ёнғоқ, бодом экдик. Душанбе институти билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ҳамма мактабга 5 гектардан ер бердик — даромадини мактабнинг кам-кўстига ишлатинглар деб. Сафар Бойматов номли жамоа хўжалги раиси Эргаш Жумаев райондаги баобрў, тажрибали раҳбарлар сирасидан. Хўжаликда кейинги икки йилда минг гектар боғ яратишди. Балли!

Гапнинг очиғи, ночору тўкис яшаш аввало ҳар бир кишининг ўзига, унинг меҳнаткашлигию тадбиркорлигига боғлиқ. Дўл, селдан зарар кўрган оилалар аҳволи билан танишиб юриб, бир хонадонга кирдик. Тўрт сотихгина томорқасини ташландиқ қилиб қўйган, ўт босиб ётибди. Иккинчи хонадонда эса саккиз сотихда карамни қўл билан териб қўйгандек. Бир чеккада кичкина парникда помидор кўчати етиштиряпти, карамни узволгач ўрнига экмоқчи. Сендан ҳаракат, мендан баракат дейди яратган ҳам... Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашганимизда ҳам табиий офатдан кейин вилоятдаги аҳволнинг муҳокамасига кўп эътибор берилди, умуман бугунги турмуш ҳақида ҳам кўп фойдали таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ҳимояддин Шарафиддинов, Иброҳим Файзуллаев, Шавкат Абдураҳмонов ва бошқа кўп депутатлар давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаб, иқтисодий мустақилликка эришиш бўйича амалий таклифларни ўртага ташладилар.

Сел ва дўл қўшни Қашқадарё вилояти пахта далаларига ҳам катта талафот етказди. Вилоятда табиий офатдан зарарланган 27 минг гектар майдонга чигит қайтадан қадалди. Жами пахтазор 220 минг гектар. Пачкамар сув омборида ўқурилганидан бери биринчи марта 213 куб километр сув тўпланди.

Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда бирин-кетин хуруж қилаётган табиий офатлар кишилар руҳини туширолмаётганига, улар бугун сел ювган, дўл урган майдонларга эрта-индиндаёқ янгитдан уруғ қадаб шижоатли меҳнат қилаётганига катта бир маънавий мадад борки, бу мадад республикамиз раҳбариятининг уларга суянчиқлигидир. Халқаро миқёсда, республика ичкарисида оламжаҳон юмушу ташвишлари бўлишига қарамай Президентимиз Ислом Каримов қаерда табиий офат рўй берса эртаси куниёқ ўша жойда ҳозиру нозир бўлиб меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказмоқда, уларга илиқ сўз ва амалий ёрдам билан мададкор бўлмоқда. Икки вилоятдаги сафар чоғида «Мана бу Ислом аканинг боғлари», «Мана бу Ислом аканинг ташаббуслари билан қурилган», «Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёга раҳбар бўлиб келиши билан йил сайин вилоят қаддини тиклади» каби дил сўзларини кўп эшитдик.

— Қашқадарёда бўлаётган ишларнинг ҳаммасини умумлаштириб айтадиган бўлсак, — деди вилоят ҳокими Темур Хидиров, — охирги беш-олти йил ичида Ислом Абдуғаниевич вилоятга раҳбар бўлиб келгандан сўнг одамларимиз ҳаётга янгича нигоҳ билан қарай бошладилар. Баландпарвоз сафсатабозликни четга суриб, халқнинг турмуш фаровонлигини кўтариш учун амалий ишлар жадаллашди. Ҳозирги ижобий ўзгаришлар ҳам, халқимиз, айниқса деҳқонларимизнинг эртанги кунга тўлиқ ишонч билан ҳаракат қилиши ҳам ўша янги сиёсатнинг мевасидир.

Қашқадарёлик Ўзбекистон халқ депутатлари билан бўлган суҳбатда ҳам улар давлатимиз раҳбарияти амалга ошираётган ишларни, айниқса халқни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида, фахрийларга, кўп болали оилаларга, ногиронларга, талаба ва ўқувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнунликларини билдирдилар. Депутатлар Қўчқор Тўйчиев, Санобар Сафарова, Дамир Бозоров ва бошқалар ҳозирги қийин вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кўп тўсиқлар пайдо бўлгани, лекин бирнеча ўн йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни бир-икки йилда ҳал этиш мумкин эмаслигини тушунган ҳолда, бугун энг асосийси инсоний фазилатларни йўқотмаслигимиз кераклигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, агар республика раҳбариятида ҳамжиҳатлик бўлса, ўзаро муносабатда ҳурмат-эътибор кўтарилмаса, албатта бизнинг республикада барака бўлади. Шу барқарорликни сақлаб қолиш, интизом ва тартибни янада мустаҳкамлаш бугун ҳар бир виждонли Ўзбекистон фуқаросининг вазифаси деб билмоқ керак. Табиий офатдан кейинги дала ишлари қандай бораётгани билан танишиш учун келган Республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, шундай деди:

«Биз уч кун Сурхондарё ва Қашқадарё меҳнаткашлари билан учрашиб, ўзаро меҳригиё барқарорлигини яна бир карра кўрдик, ҳурсанд бўлдик. Мана шу ҳурмат барқарорлигини, сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш энг муҳим вазифаларимиздан. Демократик жамият тузадиган бўлсак, биринчи навбатда қонуннинг ҳукмдорлигини таъминлаб қўйишимиз керак. Ҳозирги оғир шароитда республика халқини иқтисодий таназзулдан олиб чиқишни ўйлаш ўрнига юқори минбардан туриб бир-бирига тош отиш, тирноқ остидан кир қидиришни мен жиноят деб биламан. Республика раҳбарияти, шахсан Президентимиз халқни ижтимоий ҳимоялашнинг барча чораларини кўряпти. Бир кило гўштнинг харид нархи 75—90 сўмга, ун 40 сўмга, шакар 45 сўмга тушяпти. Халққа қанчадан сотилаётганини яхши биласиз. Ҳозир биз Ислом Абдуғаниевич янгидан тиклаган Қарши бозорини айланиб мамнун бўлдик. Гўштнинг нархи пасайишга бошлабди. Мева-сабзавот сероб. Эрта-индин арзонлашиб кетади. Биз бугун бошқа давлатлар тажрибасидан ҳам ўзимизга мосларини танлаб олаяпмиз. Ва, яқин орада Ўзбекистонимиз жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши шубҳасиз. Бунинг учун бизда барча нарса — хом ашё ҳам, илм-фан ҳам, ажойиб меҳнаткашларимизнинг ақл-идроки ҳам етарли. Энг асосийси — олижаноб халқимиз бор. Токи имону эътиқодимиз мустаҳкам экан, якдиллик ва ҳамжиҳатлик бизни тарк этмайди, одамларимизни ҳеч қандай дўлу сел ва довуллар тиз чўктира олмайди, ғараз ниятли шахслар тўғри йўлдан чекинтиролмайди».

Қувонарлиси шундаки, бугунги иқтисодий таназзул, етишмовчиликларга, қимматчиликка қарамай жойларда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Қашқадарёда қуриб фойдаланишга топширилган ва қурилаётган чойхонаю клублар, савдо марказлари, меҳмонхоналар кўзни қувнатади. Айниқса, ҳар қайси янги бино безагидаги миллий руҳ, бой тарихий меъморчилик усулларига, нақшбандлигу ўймакорликка мурожаат таҳсинга лойиқдир. Ульянов районидаги «Бободеҳқон» деб номланган оромгоҳ шуларнинг бири. Бу бинода чойхона, меҳмонхона, дўкон жойлашган. Чойхўрлардан бири, 82 ёшли меҳнат фахрийси Зулфиқоров ота бугунги кун ҳақида шундай дейди: «Бу кунлар ўтиб кетади. Энг муҳими — иттифоқлигимиз. Кўп мустақил давлатларда олатасир, қирғинбарот бўлиб ётган айни бир пайтда бизнинг республикамизда одамлар ўртасида мана шу иттифоқни сақлаб турган Президентимизга, республиканинг барча раҳбариятига раҳмат. Илойим, бизга кўз тегмасин!»

Ҳабибулла ОЛИМЖОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Излаган имкон топар*

АНДОЗАСИ КИРОЙИ

ЎЗБЕКИСТОН деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг қурултойи арафасида фермерлар, ижарачилар, кичик корхоналар ходимлари ва шахсий томорқа эгаларининг республика Президенти билан бўлиб ўтган учрашувида: «Ишбилармонларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам бериш зарур. Асосий умид шулардан. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг келажакдаги иқтисодини белгилашда уларнинг ҳиссаси салмоқли», деган эди юртбошимиз.

Афуски, фермерлик ва ишбилармонлик ҳаракатлари йўлига айрим лавозимдор шахслар томонидан сунъий тўсиқлар қўйилмоқда. Бироқ ўз мақсад-интилишлари йўлида мардонавор ҳаракат қилаётган кишилар муддаоларига эришмоқдалар. Қуйидаги лавҳа шуларнинг бири ҳақида.

ЖЎРАҚУЛ Жумаев қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати бўйича давлат назоратчиси бўлиб ишларди. Бир гал уни хизмат юзасидан Россиянинг Пенза вилоятига картошка тайёрловчилар қаторида сафарга жўнатишди. Кондолск районидан картошка оладиган бўлишди. Жўрақул у ерда Равиль Амиров деган фермер билан танишиб қолди. Маълум бўлишича, Равиль Амиров вилоятнинг таниқли фермери, пири бадавлат кишиларидан экан. Тўппа-тўғри унинг ҳузурига борди. Фермернинг қўрасида йигирмадан ортиқ йирик ва семиз новвослари эринибгина хашак кавшарди.

— Бу молларнинг ҳаммаси ўзингизникими? — Жўрақул беихтиёр савол берди.

— Ҳа, ўзимники, — деб жавоб қилди у.

Жўрақул фермернинг хўжалигига қайта-қайта борди, унинг иш юритиш усулларини сўраб-суриштирди, ҳатто зотдор молларидан сотишга ҳам кўндирди.

Сафардан қайтгач ўзи ишлайдиган «Қашқадарё» давлат хўжалиги раҳбарлари Яраш Муҳаммадиев ҳузурига ошиқди. У район ташкилотидаги ишини ташлаб, фермерлик қилишга жазм этганини баён этди. Директор Жўрақулнинг қарори қатъий эканлигини сезиб розилик берди. Лекин райондаги раҳбар ташкилотда ишлаб тургани учун «катталар» билан маслаҳатлашиш лозимлигини айтди. Тез орада бунга рухсат олинди.

Шу тариқа у совхозга фермер бўлиб келди. Қўра ва молхоналар қурилиши учун ярим гектар ер ажратилди. Жўрақул ўзига ўхшаш ёшлардан бир нечасини ёнига чорлади. Бозор Мирзақулов, Дониёр Шониёзов, Аброр Худойназаров унга эргашди. Қурилиш материаллари танқислиги туфайли амал-тақал билан молхона ва бостирма деворлари тикланди.

Давлат хўжалиги Жўрақулга 100 минг сўм қарз ажратди. Сўнгра у автокорхонадан машина кира қилиб Пензага жўнади. Бир ҳафтада пензалик ҳамкасби Р. Амировдан ўттизта зотдор қорамол келтирди. Ишнинг дурust бораётганини кўрган хўжалик раҳбари ёрдамини аямади. Тез орада уч хонали турар жой, озуқа сақланадиган чоғроқ омбор қурилди, молхоналарга охурлар ўрнатилди.

Жўрақул шу билан чекланиб қолгани йўқ. Бозордан танлаб-танлаб 40 бош қорамол сотиб олди. Подадаги жониворлар сони 70 бошга етказилди. Бошланган иш 1991 йилнинг ўзидаёқ самара бера бошлади. Сигирлар бузоқлаб, сут соғиб олиш бошлангач Заргул Рустамова, Комила Ҳусенова соғувчиликка қабул қилиндилар.

Ўша йили давлатга 110 тонна сут, 10 тоннага яқин гўшт топширилди. 7,5 тонна гўшт ишчиларга арзон нархларда сотилди.

— Қисир моллар ва новвосларни бўрдоқига боқиб гўштга топширдик — дейди Ж. Жумаев. — Айни пайтда фермер хўжалигида 60 бош қорамол, жумладан 27 бош зотдор сигир, тўрт бош от, 70 дан ортиқ қўй, 10 бош чўчқа боқилмоқда. Ҳар сигирдан кунига ўртача 10 килограммдан сут соғиб олинаётир. Шу йилнинг дастлабки уч ойида 15 тонна сут соғилди, 4 тонна гўшт тайёрланди. Яна йигирмата новвос бўрдоқига боқилаётир. Навбати билан хўжалик ҳудудидаги Ушинский номли, Садриддин Айний номли мактабларнинг ўқувчиларига сут етказиб берилмоқда. Совхоз марказидаги «Юлдузча» болалар боғчасини ҳам оталиғимизга олдик. Боғча тарбияланувчилари учун 450 килограмм сут элтиб берилмоқда.

Яқинда фермерга давлат хўжалиги томонидан 12 гектар ер ажратилди. Бу майдонларга беда, маккажўхори экилди.

— Ҳозирча чорва озуқасини ўзимиз етиштираётганимиз йўқ, —дейди фермер хўжалиги механизатори Дониёр Шониёзов. — Совхоз шартнома асосида бизга емхашак етказиб бераётир. Бунинг эвазига биз гўшт, сут соғаётирмиз. Ҳадемай ўз экинзорларимиздан озуқа олиш имконияти вужудга келади. Озуқа мўл бўлгач, таннарх ҳам арзонлашади.

Бу йил ташаббускор ёшлар давлатга 130 тонна сут, 33 тонна гўшт сотиш, эл-юрт дастурхонининг мўл-кўллигига ҳисса қўшиш мақсадида меҳнат қилаётирлар. Олти кишидан иборат жамоа катта ва қутлуғ ишларга қўл урди. Улар маҳсулот сотиш эвазига совхоздан олган қарзларини аллақачонлар узиб фермер хўжалигига 250 минг сўм даромад келтиришди.

Маошлари ҳам чакки эмас — давлат хўжалиги фермасида ишлаётган кишиларнинг ўртача иш ҳақидан 2—3 ҳисса кўп. Боз устига шу ернинг ўзида текин иссиқ овқат тайёрланмоқда. Ходимларнинг шахсий чорва молларини фермер хўжалигида боқиш имкониятлари ҳам пайдо бўлаётир.

Фермер хўжалигининг битта «Камаз» юк машинаси, бир трактори, тележкаси бор. Хўжалик етакчиси Жўрақул Жумаев сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш, бунинг учун энг аввало экин майдонларини кенгайтириш, янги молхона қуриш, кичик озуқа цехи сотиб олиш орзусида юрибди.

— Фермерлик бобида нимага эришган бўлсам, аввало ҳамкасбим Равилдан миннатдорман, — дейди Жўрақул Жумаев. Чунки, андоза ўшаники...

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бозор иқтисодиёти муносабати биланми, ёҳуд бошқа сабаблар боисми, ҳар қалай, биз ўз соғлиғимиз ҳақида кўпам қайғураётганимиз йўқ. Лекин қайлардадир бизнинг сиҳат-саломатлигимиз ҳақида ташвиш тортаётганлар мавжудлигини ўйласанг хурсанд бўлиб кетасан. Тошкент шаҳридаги «Чинобол» санаторияси ходимлари — врачларию ҳамширалари ана шундайлар сирасидан.

Мана бу суратдаги врач Мақсуда Мадаминова билан ҳамшира Василия Соатованинг суҳбати ҳам дам олувчиларга кўнгилдагидек хизмат қилиш ҳақидадир.

Е. БОТИРОВ суратга олган.

ЖАРРОҲЛАР АНЖУМАНИ

Бухорода ибн Сино номидаги маданият саройида жумҳуриятимиз ва Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган жарроҳларнинг конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман Россия бош хирургия маркази —Медицина академиясининг Вишневский номли институти билан биргаликда ўтказилди. Унда мустақил давлатлардан келган кўплаб жарроҳ ва олимлар қатнашдилар. Конференцияни Бухорода ўтказишдан мақсад — Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари билан ҳамжиҳатлик, биродарликни мустаҳкамлаш, жарроҳлик соҳасидаги муаммоларни биргаликда ечиш, ўзаро тенг тажриба алмашиш.

Медицина сиёсатдан ташқари соҳадир. У инсоният саломатлигини тикловчи ва ўрганувчи фан. Шундай экан, унга ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги лозим. Бухоро анжумани бунга ёрқин мисол бўла олади.

М. ОТАБОЙ.

ҚЎШМА КОРХОНА

ЧИМКЕНТ. «ҚОЗОҚИСТОН» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТУШДИ

Қоракўл заводи Италиянинг «Дизна» фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Хорижий ишбилармонлар корхонага ускуналар келтириб ўрнатишди. Тўртта цехдан иборат биринчи навбат ишга туширилди. Линия йилига 2,5 миллион дона терини қайта ишлайди.

Тушган даромаднинг 30 фоизи италияликларга, қолгани корхонаники бўлишига келишилди.

Ҳайрон қоларли жойи шундаки, собиқ иттифоқ қоракўл тери етиштиришда жаҳонда учинчи ўринда эди. Қоракўл заводлари эса Бухоро ва Чимкентда ишларди, холос. Зора, бухороликлар ҳам чимкентлик ҳам касбларидан иборат олишса.

И. ДИЛМУРОДОВ.

ШОИРА БИЛАН УЧРАШУВ

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР номли Ўш ўзбек мусиқали драма театри биносида вилоят ўзбек миллий-маданий маркази томонидан «Прометей» фирмаси, шаҳар халқ маорифи ходимлари, умумий овқатланиш тресті ҳамда театр ҳомийлигида уюштирилган шеърият кечасида мухлислар андижонлик истеъдодли шоира Турсуной Содиқова билан учрашдилар. Ўш ўзбек миллий-маданий марказининг раиси, ёзувчи Мирзоҳид Мирзараҳимов шоира ижоди ҳақида самимий фикрлар билдирди.

Турсуной Содиқова ўз мухлисларини қизиқтирган турфа саволларга жавоб бериб, янги шеърларидан намуналар ўқиди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, хушовоз хонандалар Авазбек ҳамда Мирзабек Маҳмудовлар, ўшлик хонанда Дилором Соипова шоира шеърлари билан куйланадиган қўшиқларни ижро этдилар.

Р. КАРИМОВ.

• *Табиат ва биз*

ЎН ОЛТИ МИЛЛИОН

БИР ЙИЛДА ЕР ЮЗИДА АНА ШУНЧА ЧАҚМОҚ ЧАҚАДИ. УНИНГ ФОЙДАСИ КЎПМИ, ЗАРАРИ?

Чақмоқ ҳар йили кўплаб ўрмонлар ёнғинига ва бошқа фалокатларга сабаб бўлади, халқ хўжалигига катта офат келтиради — алоқа ва электр симларини узади, радио эшиттиришларни чалкаштиради. У биргина АҚШда ҳар йили 2 мингга яқин кишининг ёстиғини қуритади.

Чақмоқдан талофот кўриш қишлоқларда шаҳарга нисбатан ўн баробар ортиқ экан. Чунки шаҳарларда яшин қайтарувчи қурилмалар кўп. Шу боисдан ҳозирги замон шаҳар типидаги уйларда яшовчи одам учун чақмоқ деярли хавфли эмас.

Аммо чақмоқнинг фойдаси ҳам бор! Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Ер юзида ҳар йили ўн олти миллионга яқин момақалдироқ чақмоғи пайдо бўлади. Қуррамизнинг турли жойларида бир вақтнинг ўзида бир минг саккиз юздан ортиқ момақалдироқ содир бўлар экан. Бу ўз навбатида ҳар секундда ўрта ҳисобда юзта чақмоқ келиб чиқишига олиб келади.

Ўзларининг қисқа вақт ичида пайдо бўлишига қарамай, чақмоқлар бир йилда юз миллион тонна азот бирикмаларини ҳосил қилади. Бу ҳаётий зарур модда ёғин-сочин сувлари билан ер сатҳига тушиб, тупроққа сингиб ўсимликлар учун қимматбаҳо ўғит сифатида хизмат қилади.

Ҳозир, ерларни ўзлаштиришда катта сифат ўзгаришлари содир бўлаётган бир пайтда, табиий боғланиш қисман бузилмоқда. Чунки ҳосил билан ер бағридан фосфор, калий, азот тортиб олинаётир. Шунинг учун ҳам одамлар «ерни боқиш» вазифасини ўз зиммаларига олиб, кўплаб турли-туман сунъий ўғитлардан фойдаланишаётир. Бугунги кунда бутун дунё саноати ўттиз миллион тонна азот бирикмалари ишлаб чиқармоқда. 1995 йилга бориб бу миқдор уч баробар кўпаяди ва ернинг ўзида тупроқдаги микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқариладиган азот миқдорига тенглашади. Лекин бу усул — сунъий равишда ишлаб чиқарилаётган азот бирикмалари — ҳозирча нисбатан қимматга тушаётир.

Саноат асосида олинаётган азот учун фойдаланилаётган электр разрядининг узунлиги тўрт ярим-олти метрга тенг бўлса, табиий чақмоқ узунлиги булут ва Ер орасида 30—50 километрга тенг бўлади. Масалан, АҚШда йил давомида ҳар бир километр квадрат ерга ўрта ҳисобда тўрт чақмоқ зарби тўғри келар экан. Бу эса ўсимлик дунёси томонидан енгил ўзлаштириладиган 20 тонна азот бирикмаси демакдир.

Момоқалдироқнинг электр разрядлари — чақмоқлар яна бир яхши хоссага эга. Улар атмосфера ҳавосини азон (кислородга) бойитади, атроф-муҳитни мусаффо қилади. Бу жараёнда ер сатҳида ва булутлараро пайдо бўлган разрядлар ҳамкорликда ҳаракатланиб жами жонзотлар учун тоза ҳаво ҳосил қиладилар.

М. ЗОКИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог.

• *Бозор иқтисодиёти*

СУТ ҚИММАТ ДЕБ РАНЖИМАНГ

Оилада ўн жонмиз: саккиз фарзанд, турмуш ўртоғим ва мен. Катта қизим мактабни битириб, ёнимга келди. Соғувчилик қилаяпти, аммо ҳали тажрибаси кам. Унга энди доимий қараш учун йигирма тўрт бош соғин сигир беришди. Шунинг учун ўтган ойда унга атиги 300 сўм маош чиқди. Турмуш ўртоғим ҳам фермада — чўпон. У 340 сўм маош олди. Менинг қўлимга 1250 сўм тегди. Хуллас, мана шу пул билан ўн кишилик оилани боқаяпмиз. Кун ўтаяпти, нолимаймиз. Уйимизда уч бош молимиз, қўй, товуқлар бор. Ҳар қалай давлат берадиган маошга қараб ўтирганимиз йўқ .Томорқа бор — 25 таноб. Яхши ишласак ундан ҳам 10 минг сўмгача даромад қиламиз. Худога шукрки, хонадондаги сигиримиз зотдор. Сути, мойи мўл. Оилани тўла боқади. Баъзи бировлар: «Сизлар учовлон фермада ишлайсизлар, у ердан ему емишни ўғирлаб келасизлар», дейди. Буни кўролмаганлар айтишади. Биз ўзимиз кечаю кундуз ишлаймиз. Эрхотин олти йилдан бери шу ердамиз. Иссиқ-совуғига, оғир-енгилига чидаб келаяпмиз. Йўқса, 340 сўм маошга ким молхонада ишларди?

Яқинда совхозимиз иқтисодчиси келиб, бизга тушунтирди: чорвачилик бўйича хўжалигимиз районда биринчи экан. Ўзини ўзи тўлиқ эплаб, хўжаликка зарар келтирмаяпти экан. Ҳатто шу йилнинг биринчи чораги якуни бўйича фермамиз 53 минг сўм даромад қилган. Тўғри, биз ем-хашак учун четга бормаймиз. Ҳаммаси хўжаликнинг ўзида етиштирилади. Ўтган йили бир қанча бригадалардан макка дони сотиб олган эдик. Бир килосини 22 тийиндан. (Бугунги нарх бўйича бу сув текин). Ўша макка донидан ҳалқ ҳам 300 тонна бор. Ҳар куни керагини майдалаб ем қилиб, молларга едираяпмиз.

Бизда ҳисоб-китоб пухта, ҳеч ким алданмайди. Ҳар бир соғувчи ўзи соққан ҳар литр сут учун шу вақтгача 30 тийиндан, энди нарх икки баробар ошгани туфайли 60 тийиндан ҳақ олишини яхши билади. Ҳар бир тийинини ҳисоблаб юради. Шу туфайли бизда сут топшириш кўрсаткичлари юқори бўлса керак, деб ўйлайман. Ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар-ку.

Бу йил энди бедани ҳам, макка донини ҳам бир неча баравар қиммат сотиб олишимиз тайин. Бошқа илож йўқ. Молхонанинг бир қисмини таъмирлаш керак. Яқинда усталар келишди: озгина жойни созлаш учун 500 минг сўм сўрашди. Рози бўлдик, бошқа чора йўқда! Шуларни ҳисобга олганда, чорвачилик маҳсулотлари харид нархининг икки баравар ошгани арзимас туюлади. Аҳвол шу тарзда кетаверса чорвачилик соҳаси яна аввалгидай ўзини-ўзи қоплай олмай туравериши ҳеч гап эмас. Аммо биз ҳам анойи эмасмиз. Дадил ишлаймиз. Имкон қадар бошқаларга ўз юкимизни ортмаслик учун тиришамиз.

Тўғрисини айтганда, ҳозир бир литр сут салкам тўрт сўм бўлганидан уялаяпмиз. Аммо ўтган йили март ойида мен уч юз сўм маош олардим, унга 40 кило гўшт харид қилиш мумкин эди. Бугун 1250 сўм олган бўлсам, унга атиги 12,5 кило гўшт келади. Бу ёғини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Хуллас, сутни қиммат қилиб юборди, деб биздан таъна қилишга ўрин йўқ. Чорвачилик маҳсулотлари арзон бўлиб кетгани сабабли шу вақтгача фермаларга одамлар ишга келмасди. Шу туфайли давлат чорвасининг аҳволи оғир эди. Чорвасиз аёнки, кун ўтиши қийин. Шу боис Президентимиз чорвадорларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳақида фармон чиқарди. Энди ана шу фармон тезроқ рўёбга чиқса, бизларга шароитлар яратилса, нур устига аъло нур бўларди.

Қурбоной КЕЛДИБЕКОВА,
Дўстлик районидаги «Манас» давлат хўжалиги сут-товар фермасининг сигир соғувчиси.

• *Тадбиркорлик—давр талаби*

Ижарачи Аҳмад

Аҳмад Қудратовни «Коммуна»ликлар ишнинг кўзини биладиган йигит дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Аҳмад ҳарбий хизматдан қайтгач, ўзини меҳнатда синаб кўришга аҳд қилди. 1988 йил август ойида «Коммуна» жамоа хўжалиги билан шартнома тузиб, семиртириб бериш учун 60 бош бузоқ олди. Йил охирида тирик вазнда 6 тонна гўшт топширишга эришди.

Бу ҳали ишнинг бошланиши эди. Мўлжални каттароқ олиш учун молхонани кенгайтириш муаммоси турарди. Шунинг учун у бетон тўсиқлардан учта бостирма қурди. Боқиладиган моллар кўпая борди.

— Аҳмад Қудратов ижара хўжалигини озуқа ва ем-хашак билан таъминлаш бизнинг зиммамизда, — дейди жамоа хўжалиги раиси Жўрақобил Холмуродов. — Унга битта прицепли трактор ҳамда хашак майдалагич бериб қўйилган.

Ижара хўжалигида борйўғи икки киши ишлайди: Аҳмад ва онаси Гули опа. Унинчи синфда ўқиётган укаси Шокир дарсдан бўш вақтларида кўмакка келади. Ваҳоланки, ҳозир бу ерда 104 бош мол парваришланмоқда. Одатдаги фермада бунинг учун қанчадан-қанча ишчи овора бўларди.

Ҳар қандай янгилик дастлаб қийинчиликка дуч келади. Аҳмад барча қийинчиликларни бартараф этди. 1990 йилда унинг хўжалиги ўзини анча тутиб олди. Шу йили 42 тонна гўшт топширилди.

— Биласизми, — дейди А. Қудратов, — ижарада энг муҳими шуки, эркин меҳнат қиласиз. Кўзбўямачилик, ғирромлик кетмайди. Келадиган фойда ҳам, зиён ҳам ўзингизники. Шундай бўлгандан кейин жон куйдириб ишлайсиз-да. Бунда моддий манфаатдорлик асосий омилдир.

Моллар ёши ва наслига қараб алоҳида-алоҳида парвариш қилинаётгани, озуқа аниқ рацион асосида берилаётгани ишлар таваккалига эмас, балки тажриба ва билимга таянган ҳолда олиб борилаётганидан дарак беради. Боқилаётган моллар ҳар куни 800—1000 граммдан эт қўяётганлиги, уларнинг вазни 450—500 килограммга етказиб гўштга топширилаётганлиги ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Мол боқиб семиртиришдан каттагина даромад олган Аҳмад сут етиштириш билан ҳам шуғулланишга киришди. Ҳозир 15 бош сигирдан ҳар куни 200—250 литр сут соғиб олинаяпти. Ижарачи ўз хўжалигини мустаҳкамлаш, озуқани ўзида етиштириш, бунинг учун ер олиш, пировард натижада фермер бўлиш ниятида.

Ижара хўжалигини юритиш, фермерлик қилиш учун тажриба билан бирга билим ҳам керак. Буни яхши билган Аҳмад ҳозир Тошкент деҳқончилик дорилфунунида сиртдан ўқимоқда.

А. АЗИМОВ,
ЎзА мухбири.

• *Таассурот*

ТЮЗ ЎЗБЕКЧА ГАПИРАЯПТИ

Томоша ғайриодатий бошланди. Сочи ўсиқ йигит қаторлар оралаб чиқиб келди-да, саҳнага яқинлашиб «ўзбекча» реверанс қилиб олгач, Жан Баттист Мольер, унинг энг хушчақчақ комедияси «Зўраки табиб» ҳақида анча гапирди. Томошабинларда ҳаяжонланиш бошланди. У ғойиб бўлганда, барчанинг нигоҳи иштиёқ билан саҳнага қадалди.

Флейта ва клависоннинг ҳазин овози янграб, дивертисментлар (сарой ўйинчилари) қадимий фаранг рақсларини ижро этдилар. Дастлабки таассуротлар томошабинларни XIV асрдаги Париж ҳаёти билан боғлади.

Сюжет — қизиқ, ҳаракатлар — нафис, ижро — қойилмақом, музика ва мезансценалар — жойида. Булар яхлитланиб, кўнгилли томошани юзага келтирди. Саҳна билан томошабинлар ўртасида чегара ҳам йўқ, актёрлар залда бемалол юриб, ўтирганлар билан ҳазиллашиб, роль ижро этишди.

Бундай жонли спектакллар кам бўлади. Уни Тошкентдаги рус ёш томошабинлар театри жамоаси яратган. Шуйиси эътиборга молликки, «Зўраки табиб» мазкур театрда ўзбек тилида ҳам қўйилди. Уни «Ҳамдард» деб номланган гуруҳ тайёрлаган. Уларнинг аксарияти театр олийгоҳини яқинда тугатган ёшлар. Озод Бекмуродов ва Насиба Юсупова (табиб ва хотини)лар ўз ижроси билан ҳаммани мафтун этишди. Марҳум киноактёр Тўғон Режаметовнинг фарзандлари Ҳусан ва Фотима ҳам олқишга сазовор бўлишди.

Иккала спектаклни саҳналаштирган режиссёр, театрнинг бадиий раҳбари Наби Абдураҳмонов ТЮЗнинг ўзбекча «гапира» бошлагани қандайдир сиёсат маҳсули эмас, балки умуминсоний ғояларнинг тарғиботчиси — театр санъатидаги янги бир тажриба, деб айтди.

Ҳ. САТТОРИ.

МУШОИРА

ТОШКЕНТ Давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси куллиётида ёш шоирлар мушоираси бўлиб ўтди. Унда Салим Ашур, Гулом Мирзо, Қўчқор Норқобил, Рустам Мусурмон билан бирга ҳаваскор талабалар ҳам иштирок этдилар.

Ю. САЙДАМИНОВА.

РАҲМАТ СИЗГА, ТАБАНИ!

ПОКИСТОНДАГИ машҳур «Табани» фирмасининг Ўзбекистон бўлими бошқарувчиси Ёқуб Табани икки мамлакат халқлари ўртасида иқтисодий, маданий-маърифий ҳамкорликни ривожлантиришга жазм этган эзгу ниятли кишилардан. Яқинда у Тошкентдаги 30 болалар уйига ташриф буюрди. Ҳурматли меҳмон кўнгли ўксиклар ҳузурига қуруқ қўл билан келгани йўқ, албатта. «Табани» фирмаси болалар уйига уч юз минг сўм пул ҳадя этишга қарор қилганди, фирманинг ҳадяси расмийлаштирилган ҳужжат болалар уйи раҳбариятига топширилди.

Хайрия маблағ бу ерда тарбияланувчиларнинг пухта билим олиб, касб ўрганишлари учун сарфланади, шунингдек спорт зали қурилади.

Н. ОЧИЛОВ.

• *Фермер ташвишлари*

АРМОН КЎПУ, ДАРМОН КАМ

Мен 1989 йилда банкдан 50 минг сўм қарз кўтариб, унга 15 бош соғин сигир сотиб олдим ва шу тахлит фермер бўлдим. Гувалакдан молхона қурдим. Тўғри, ёнидаги айвон учун «Шарқ юлдузи» давлат хўжалиги менга шифер, металл ажратди. Боқув учун ижарага 20 бош новвос ҳам берди. Уларни бир йил боққач, ҳар бирининг вазнини 450—500 килограммга етказиб топширдим ва шунинг ҳисобига банкдан олган қарзимни уздим. Шу тахлит 15 бош сигир фойдага қолди. Ҳозир фермамда 70 бош қорамол бор, унинг 30 боши соғин сигир, 10 боши бўрдоқи, қолгани бузоқ, новвос. Бундай қарасам: ишларим яхши, сут сотаяпман, даромад яхши, аммо пулнинг қадри кетаяпти. Шуни англадиму 1991 йил банкдан яна 45 минг сўм қарз олиб унга ўзимнинг жамғармаларимни қўшдиму 200 бош қўй, 100 бош эчки сотиб олдим. Улардан ҳали даромад қилганимча йўқ.

Ўтган йили давлатга 31 тонна сут, 16 тонна гўшт топширганман. Давлат хўжалигидан хурсандмиз. Ёрдам беряпти, соғилган сутни заводга ташияпти. Аммо мен бир нарсага ҳайронман: давлат хўжалигидан борган сут биринчи навга, фермерларники эса иккинчи навга қабул қилинади. Сабаби «инсектор» деб баҳона қилишади. Бу баҳонанинг асосли эканлигига шубҳа қиламан. Чунки сутнинг сифатини аниқлайдиган ўзимизда лаборатория йўқ. Юлғичлар ана шундан фойдаланиб фермер нонини туя қилмоқда. Аслида сут етиштиришда зарур бўлган барча шарт-шароитлар давлат хўжалиги фермаси билан бир хилда. Сутимизнинг сифати ҳам фарқ қилмайди.

Асосан тўрт киши ишлаймиз: ўзим, ўғлим Илҳом, жияним Баҳром ва трактор-чи Ёрзу Мусаев. Совхоздан трактор, тележка сотиб олдик. 68 гектар бедазорга эгамиз. Беда ўргич агрегатимиз ҳам бор. Баъзилар: «Қийналмайсизми? Бунча ташвиш сизга нимага керак?», деб сўрайди. Қийин, албатта. Ҳар куни бола-чақа билан тонг саҳар соат бешдан туриб мол тагини кураймиз, ем берамиз, соғамиз. Соат саккиз бўлади. Эрталабки чойдан сўнг яна қайтиб келиб, сигирларни далага чиқарамиз. Ҳадемай соат беш бўлади, яна соғиш керак...

Илож қанча, ҳаммаси ейман, ичаман, ўқийман деб турган етти фарзанд бор. Олдимизда қатор-қатор тўйлар, орзу-ҳаваслар бор. Биров сизга бир сўмни бекорга бермайди. Меҳнат қилиб топишингиз керак...

Совхоз емишдан қарашса-да ўзимиз ҳам ҳаракат қилишимизга тўғри келади. Ҳозир бир килограмм ем уч сўм. Яхшиямки, ўтган йили арзон пайтда 25 тийиндан 35 тонна олиб қўйган эканман. Ҳозир таги кўринибқолди. Бу ёғига кўк ўт билан кун ўтаверади. Лекин яна ем ташвиши тушаяпти.

Ишимнинг юришаётганлигининг яна бир сабаби ветеринария хизматини унча-мунча тушунганлигим туфайли молларни ўзим даволайман. Чорвачиликда бунинг аҳамияти катта. Кўп фермерлар ветеринария хизматини юрита олмаганлиги сабабли омадсизликка учраяптилар. Ўзим ҳам бошда қийинчиликка учраганман. Олиб келган сигирларимнинг учтаси ўлиб қолган. Маълумки, четдан келтирилган молнинг маҳаллий шароитга, об-ҳавога мослашиши учун маълум вақт керак. Бизда ерлар заҳкаш, атрофимизда эвурлар мўл. Ундан чивинлар, каналар чиқади, оқибати эса чатоқ... Хуллас, шу борада бир-иккита таклифим бор.

Биринчидан, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун район бўйича бирнинг ўзларига ажратилган беда, маккани ўриб олишлари қийин кечмоқда. Давлат хўжалигининг техникаси ўзидан ортмайди. Ортса ҳам фермерларга навбат энг охирида келади. Унгача ўрим вақти ўтиб, беда қуриб кетади. Қанчалар асабнинг бузилишига олиб келади. Таклифим шуки, пахта яккаҳокимлиги барҳам топиб, алмашлаб экишга ўтаётганлигимиз туфайли беда ўргич агрегатларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораси кўрилиши керак. Ундалик мураккаб бўлмаган бу ускунани республикамизда бемалол кўплаб миқдорда ясаш мумкин.

Яна бир гап: фермер фақат мол боқиб, гўшт-сут етиштириш билан шуғулланса, унинг косаси оқармайди. Гўшт-сут харид нархи ошди-ку дейишлари мумкин. Аммо унинг меҳнати, харажатлари ҳам шунга яраша қимматлашган. Агар, фермер гўшт-сутни ўзи охирги маҳсулот даражасига етказса, қанийди? Колбаса, пишлоқ ва шунга ўхшаш цехлар очсак. Аммо бунга имконият йўқ. Тўғри, шартномада фермер 50 фоиз маҳсулотни ўз хоҳишига кўра ишлатиши, сотиши мумкинлиги қайд этилган, бироқ қайта ишлайдиган, ускуналарим бўлмаса, мен сутни бир соат ҳам ушлаб туролмайман-ку...

Хуллас, армонимиз кўпу дармонимиз кам. Мададга муҳтожмиз. Агар ана шу санаб ўтилган муаммолар ҳал қилинса ва фермерлар кутилган натижаларга эришиши мумкин.

Турот БОБОБЕКОВ,
Жиззах вилояти, Зарбдор районидаги фермер хўжалиги бошлиғи.

Акс-садо

НОЎРИН МУЛОҲАЗА

Ачинарли бўлса-да, тан олишимиз керак — ўзбек халқи умуминсоний яратган дунё маданият ва санъат дурдоналаридан тўла-тўкис баҳраманд бўлмаяпти. «Миллий мерос» деб тор ниқоб ортида қолиб келмоқдамиз. Ҳанузгача санъатнинг янги тур ва жанрларини эгаллашда бошқа халқларга нисбатан орқада қолдик. Афсуски, ҳозир ҳам матбуотда «Хор керакми?» (К. Рихсиев, «Халқ сўзи» рўзномаси) деган савол берилиб турибди.

Нега энди умумий одамизод санъати турига айланган, санъат тарихида ижобий моҳияти жуда улуғ бўлган хор санъатидан воз кечишимиз керак?! Ахир мустақилликка энди эришиб, бутун жаҳон миқёсига энди қадам қўяяпмиз-ку?!

Етук ва забардаст, ватанпарвар Ўзбекистон зиёлиларига нима бўлди?! Гап зўрга тикланаётган санъат ва маданият ўчоқлари ҳақида бормоқда. Ўзбек зиёлилари опера ва балет театри, ўзбек хор капелласи, фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида обрўга эга бўлган мусиқа санъати дарғоҳи бўлмиш консерватория ва бошқа бир қанча маданий мероснинг кўрки бўлиб турган профессионал жамоаларни инкор этмоқдалар, бошқачасига айтганда, «пуф сассиқ»ка чиқармоқдалар.

Кўп йиллар давомида оғир машаққатлар эвазига вужудга келган маданият ва санъат ўчоқлари сўниб, камол топмай, вайрон бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Барпо этиш, бунёд этиш бир тепиб ер билан яксон этишдан кўра қийинроқ-ку!! «Бозор иқтисоди», «янгиланиш» — деб эришган ютуқларимиздан воз кечсак, келгуси авлод бизни кечирмайди! Наҳотки, ҳозирги баъзи бир ҳукумат аъзоларининг, шунингдек мақолада келтирилган, тасодифан айтилган фикрларга қўшилиб тор «миллий» санъатимиз доирасида колиб кетаверамиз?!

Бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас, чунки «тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди».

Каримжон Рихсиевнинг «Хор керакми?» мақоласида хор жамоаси ўзбекларда, тожикларда, туркманларда азалдан бўлмаганлиги ҳақида, кўп овозлик бу халқларнинг мусиқий ижодига хос эмаслиги ҳақида фикр юритилади. Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси қошидаги, Республикада хизмат кўрсатган артист Ш. Ёрматов раҳбарлигидаги «БУЛБУЛЧА» болалар хор жамоалари-чи?! Уларнинг халқаро, ҳатто бир неча Оврупа мамлакатлари бўйлаб қилган муваффақиятли сафарлари-чи?!

Аслида бу фикр нотўғри: биринчидан, ўзбек халқининг мусиқий (қўшиқчилик ва чолғу куйлари) ижодида кўп овозликнинг ўзаги қадимдан бор эди ва доимо бўлган. Ривожланмаганлигининг сабаби — бастакорларимизнинг етарлича изланишмаганлигида (бу тўғрида ҳам алоҳида суҳбат қуриш мумкин). Иккинчидан, муаллиф нега энди бошқа Ўрта Осиё халқларини тилга олмайди?! Масалан, қозоқ ва қирғиз халқларини?! Ҳаммамизга маълумки, бу жумҳуриятларда кўповозлик турлари фақат ривожланибгина қолмай, балки гуллаб яшнамоқда, камол топмоқда. Бунга мисол машҳур қозоқ хор капелласи, халқ чолғу оркестри, ёки қирғиз симфоник оркестри, уларнинг машҳур опера ва балет театрлари, ажойиб яккахон ашулачилари (Е. Серкебаев, Б. Тулегенова, А. Днижев, Б. Минжилкиев ва бошқалар) ва кўплаб бошқа бадиий мусиқий жамоалари! Биз эса ҳамон ўша-ўша, бировозлик, «оғзим дерман», «онам дерман»дан ҳанузгача чиқа олмаяпмиз!

Мақолада келтирилган шахсларнинг (турли касб эгалари бўлишларига қарамай) фикрларига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Чунки уларнинг ўзлари асосан кучли бировозлик мусиқанинг таъсирида тарбия топганлар. Кўповозликнинг моҳиятини, баъзида эса афзаллигини ҳис қилмаганлар. Болалигидан мактабда мусиқий дарс ва машғулотларда қатнашмаганлар. Масалан, ҳозир Республикада 750 дан ортиқ умумий таълим-тарбия мактаблари бўлса, уларнинг кўпчилигида ҳанузгача «Мусиқа» дарси ўтилмайди, чунки мутахассислар етишмайди. Шу вақтнинг ўзида эса, Тошкент Давлат консерваториясининг хор-дирижёрлиги, яъни келгусида фақат мактаблардагина эмас, балки бошқа мусиқий муассасаларда бемалол ишлай оладиган бўлимига 1991/92 ўқув йилида ҳаммаси бўлиб 5 киши қабул қилинди. Шуниси ачинарлики, «Мусиқа» ўқитувчилари бор мактабларда ҳам ишлар яхши, кўнгилдагидек деб бўлмайди. Чунки «Мусиқа» дарси мактабларда ҳурматга эга эмас десак, муболаға бўлмайди. Ҳатто бир овоз — унисон ҳолда бўлса ҳам, хор қўшиғида кўпчилик — жамоа қатнашадику, нега энди бу санъатни кўпчиликни бир мақсадга чорлайдиган, бир ғояга илҳомлантирадиган санъатни инкор этишимиз керак?! Ахир унинг ўзагида — негизида давримизга хос ва мос, ҳамоҳанг ғоя ва инсоний бурчлар, муқаддас вазифалар ётибдику?!

Тўғри, классик-мақом мусиқасини авайлаб, эъзозлаб, келгуси авлодга етказишимиз — ўрганишимиз керак. Бу масалани ҳам асло инкор этиб бўлмайди.

Мақолада келтирилган — «санъат муассасаларининг фаолияти иқтисодий жиҳатдан баҳоланмайди», ёки «чин санъатни пул билан ўлчаб бўлмайди» — деган фикр ва тушунчаларга тўла-тўкис қўшилиш мумкин, чунки ҳозирча фақат шу йўл билан халқимизни руҳий тарбиялашимиз, шу йўл билан натижаларга эришмоғимиз мумкин.

М. Ашрафий номидаги Ўзбек давлат консерваторияси хор дирижёрлиги кафедрасининг ўқитувчилари:

М. АЗИМОВ,
Н. ҚОЗИЕВ,
Н. ШАРАФИЕВА,
Л. ЖУМАЕВА,
Б. ШОМАҲМУДОВА.

ҚИСҚА САТРЛАР

Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон пахта тозалаш заводида ёрдамчи ишлаб чиқариш муваффақиятли ривожланмоқда. Бу эса меҳнаткашларни мавсумлар орасида иш билан таъминлаш ва қўшимча фойда олиш имконини бераяпти. Авваллари чиқитга чиқадиган материаллардан кўрпатўшакка солинадиган пахта олинаётганлиги фойда омили бўлди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш дастурининг кейинги босқичида гилам цехи очиш кўзда тутилган.

* * *

Самарқандда «Ворис» фирмаси тузилди. Унинг вазифаси унутилган майда ҳунармандчилик ва халқ ҳунарнармандчилигини қайтадан тиклашдан иборат. Фирмага тарихчи, Самарқанд давлат доирилфунунининг муаллими Т. Раҳматуллаев бошчилик қилмоқда. Ишга халқ усталари, халқ анъаналарини эъзозловчи талабалар жалб қилинди.

* * *

Жарқўрғон районида «Ўзбекистон» кичик корхонаси ишга тушди. «Социализм» жамоа хўжалиги ва республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги унинг таъсисчилари бўлишди. Корхона ишчилари 100 гектар ерни ўзлаштиришга киришдилар. Бу ерда эртаги сабзавот, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар етиштирилади. Маҳсулотни қишлоқ аҳолисига зарур бўлган халқ истеъмол молларига алмаштириш режалаштирилаяпти. Мўлжалда шойи газламалар ишлаб чиқарувчи цех очиш, ғишт ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бор.

* * *

Самарқанд ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси меҳнатчилари Пайариқ районидаги бир неча гектар ерни ижарага олдилар. Бу ерда улар қизилмия ўсимлиги етиштира бошладилар. Эҳтимол, унча катта эмас, лекин ишбилармонлар ундан фойда ола биладилар. Шифобахш қизилмия илдизи тайёрлашни йилига 50 тоннага етказиш мўлжалланяпти. Ҳорижий мамлакатларнинг дори тайёрловчи фирмалари билан шартномалар тузилди.

(ЎзА).

ЭЪЛОНЛАР

БАРС

БАРС

САВДО УЙИ
ЁПИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
(НИЗОМ ЖАМҒАРМАСИ 10.000.000 СЎМ)
ХУСУСИЙ ШАХСЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯЛАРГА ОБУНА БЎЛИШНИ БОШЛАДИ.

ҲОЗИРЧА ЎЗ БАҲОСИ БЎЙИЧА ПАСТ ҚИЙМАТИ – 5.000 СЎМ.
ТАЪСИСЧИЛАР КЕНГАЩИ ЙИЛЛИК МИҚДОРДАН КАМИДА 30 ФОИЗ ДИВИДЕНД БЕРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.
"БАРС" акциялари – бу Сизнинг пулларингизни пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиш шароитида ҳам ишончли сақлайди.
ОБУНА 10 МАЙДАН 25 МАЙГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.
Акцияларга обуна бўлиш муддати тугагандан сўнг фақат бозор нархларидагина сотилади.
Обуна бўлишга шошилинг!
Боғланиш телефони: Тошкентда 55-90-15.

WORK 92 SHOP
TASHKENT

Тошкентда 23 майдан 31 майгача "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси Чилонзор ҳокимияти кўмагида Италия савдо-саноат фирмалари билан биргаликда халқ истеъмоли моллари ва саноат ускуналарининг тижорат кўргазмасини ташкил этади.

Махсус жиҳозланган намойиш залларида модали кийимлар ва пойабзаллар, керамика ва пластмассадан тайёрланган буюмлар, такинчоклар ва бадиий чиннилар, қандиллар ва ёриттичлар, қурилиш материаллари, турли хил саноат ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш линиялари намойиш этилади.

БИЗНИНГ КЎРГАЗМАМИЗ ИТАЛИЯЛИК ДАРОМАДГИРЛАР БИЛАН ТЎҒРИДАН - ТЎҒРИ АЛОҚА БОҒЛАШГА АЖОЙИБ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ.
БАРЧА МАНФААТДОР ИШБИЛАРМОН КИШИЛАРНИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Манзилгоҳимиз: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кучаси, 53 "А" уй.
Телефонлар: 77-76-58, 77-72-34
Факс 777234.
Телекс 116395 "РОНДО".
Ташкилотчилар: "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси ва Чилонзор ҳокимияти.

UZBEGIM INTERNATIONAL

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сизни Тошкент «Миконд» корхонаси қошидаги «Биллур» фирма дўконига ҳар хил турдаги гулдон, мевалар солинадиган қўралар, салқин ичимликлар учун қобиғ ва бошқа буюмларни харид қилишга таклиф этамиз.

Хонангизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сиз биллурдан ясалган қандил ва шокилали девор браларини танлаб олишингиз мумкин.

Сизни қўйидаги манзилгоҳ бўйича кутамиз:

Уста Ширин кўчаси, 121-уй.

Дўконга 48, 43, 82-автобуслар ва 7, 10-троллейбуслар билан бориш мумкин. «Агрегат корхонаси» бекати.

Дўконнинг иш вақти: соат 9.00 дан—18.00гача. Тушлик — 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш кунлари: шанба, якшанба.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

М. АШРАФИЙ номидаги Ўзбек давлат консерваторияси 1992—1993 ўқув йилига қуйидаги ихтисослар бўйича қабул эълон қилади.

Кундузги бўлимга: фортепиано (орган), оркестр асбоблари (пуфлама ва торли), ўзбек халқ чолғулари (анъанавий ва академик), хонандалик (анъанавий ва акдемик), хор дирижёрлиги, бастакорлик, мусиқашунослик (ўзбек ва рус тилларида), овоз режиссёрлари (ўзбек тилида).

Сиртқи бўлимга: мусиқашунослик (ўзбек тилида).

Тайёрлов бўлимига: хонандалик (анъанавий ва академик), бастакорлик.

Ҳужжатлар 1 июндан 5 июлгача қабул қилинади; консультациялар — 25 июндан 5 июлгача, имтиҳонлар — 6 июлдан, талабаликка қабул — 27 июлдан 31 июлгача ўтказилади.

Консерваторияга кирувчилар ихтисос бўйича, мусиқий-назарий фанлар бўйича ва тилдан (диктант) конкурс кириш имтиҳонлари топширадилар.

Консерваторияга Ўзбекистон Республикасининг Олий ўқув юртлари учун эълон қилган кириш қоидалари асосида қабул этилади.

Ректор номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта мусиқий маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртқи бўлимга кирувчилар учун), тиббий маълумотнома (086-У шаклида), 6 дона сурат (3х4).

Ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат ва паспорт шахсан кўрсатилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000. Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй.
Телефонлар: 33-52-74, 33-82-06.

САЁҲАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси милициясининг Ҳамкорлик ҳайрия фонди барча хоҳловчиларни қуйидаги йўналишлар бўйлаб саёҳатга таклиф қилади:

Польша (Краков) — 3 кун (2 кеча) — 61 АҚШ доллари + 3200 сўм.
Туркия — 4 кун (3 кеча) — 138 АҚШ доллари + 10340 сўм.
Туркия — 4 кун (3 кеча) — 117 АҚШ доллари + 10340 сўм.
Туркия — 7 кун (7 та шаҳарга борилади) — 299 АҚШ доллари + 10340 сўм.

Саёҳатчилар гуруҳларнинг тўпланишига қараб жўнатилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 9-уй, 213-хона.
Телефон: 33-98-93.

Тошкент шаҳар хўжалик ҳисобидаги ташҳис қўйиш ва маслаҳат бериш поликлиникаси жамоаси шу поликлиниканинг юристи Ж. Расуловга укаси

Жорилло РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Таҳририятга ҳажми 9 бетдан ортиқ мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Алоқа учун телефон: 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма Г—86.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12